



9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ушбу санага бағишланган мақолалар билан газетанинг 3-4-саҳифаларида танишасиз.

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

ФАХРИЙЛАР ФАХРИМИЗ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг мажлислар залида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди.

— Ҳукуратимиз уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳурматини жойига қўйиш, уларга ҳар томонлама ғам-хўрлик кўрсатиш йўлида катта тадбирларни амалга оширмақда, — деди Республика Бош прокурори, биринчи даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашит Қодиров ўз сўзида. — Бугун фахрийларимизнинг, ҳурмат шохсупасига, тўй-маъракаларимизнинг тўрига ярашиб ўтирган оқсоқолларимизнинг ҳаёт йўли, шон-шарафга йўғрилган фаолияти ёшларимиз учун чинакам ибрат мактабидир. Бу мактабдан сабоқ олган киши асло кам бўлмайди. Барчангизга оқсоқолларимиз каби ибратли ҳаёт, мазмунли умр ва жўшқин фаолият ёр бўлишини тилайман!



Ушбу йиғилишдан кейин тахририятимиз сураткаши олган юқоридаги сурат-лаёҳа унинг иштирокчилари учун ҳам, уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган собиқ жангчилар учун ҳам бугунги яхши кунларимиздан ажойиб хотира, чиройли эсдалик бўлиб қолади, деган умиддамиз.

А.ТЎРАЕВ олган сурат

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

ЎТГАН йилнинг 20 октябрида Оксаройда Президентимиз Ислам Каримов раислигида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинган эди. Орадан 6 ойдан кўпроқ вақт ўтди. Қишлоқ хўжалигида қандай ишлар амалга оширилди, соҳадаги муаммолар ўз ечимини топдими? Галдаги вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида навбатдаги идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашда ана шу саволларга жавоб қидирилди. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзагротмашсервис”, “Ўздавпахтасаноатсотиш” ва «Дехқон-фермер хўжаликлари» уюшмалари, “Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясининг мутасадди раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этишди. Кенгашни Республика Бош прокурорининг ўринбосари Пўлат Бобожонов бошқарди.



— Табиат ўз номи билан табиат. Унинг инжиқликларини енгган деҳқонгина ўз ниятига эришади ва даласидан қутилган хосилни олади, — деди мажлис раиси. — Аммо, кейинги йилларда барча вилоятларнинг қишлоқ хўжалигига мутасадди раҳбарларида янгиликка интилиш, ташаббускорлик етишмаётганлиги туфайли давлат режалари барбод бўлмоқда. Бунинг учун

ким айбдор? Деҳқонми ёки ер? Шу ўринда бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Прокуратура текширувидан сўнг аниқланишича, 13 минг гектар ер майдонлари агротехника талабларига зид равишда 12-25 см. чуқурликда шудгор қилинган. Хулосани ўзингиз чиқаринг. Шу соҳада мутасадди бўлган раҳбарлар кимни алдамоқчи?

— Пахтачилик соҳасида мактаб яратган деҳқонларимиз кейинги йилларда нимагадир кўринмай қолди. Айримлар буни табиат қийинчиликлари билан боғлашга ҳаракат қилишмоқда. Аслида бу гаплар тўғримикин?

(Давоми 2-бетда.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischilar

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov, Komiljon Ismoilov, Dilshod Isломov (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat Yodgorov (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Muxtor Shodmonov, Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. **Telefon:** 133-82-34 **E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. **Korxonaning manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Tiron ko'chasi, 41.

Buyurtma № - 2149	Nusxasi — 20609
Bosmaxonaga topshirish vaqti	20.00
Bosmaxonaga topshirildi	19.30
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi	
Navbatchi muharrir: H. NISHONOV	
Navbatchi: N.MAHMUDOV	
Sotuvda erkin narxda	
1 2 3 4 5 6 7 8	

ХАЙЪАТ МАЖЛИСИ

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

Ўтган жума кuni Республика прокуратураси хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бoш Прокурорнинг биринчи ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси А. Эргашев бошкарди. Кун тартибидаги биринчи масала — «Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш амалиёти ҳамда бу борадаги прокурорлик назорати аҳолини ўрганиш натижалари ҳақида» Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи И.Нуров ахборот берди.

Унда таъкидланишича, ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятнинг муҳим тамойили ҳисобланган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга беvosита дахлдор бўлган дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришда прокуратура идоралари маълум ижобий натижаларга эришди. Бирок жойларда айрим айбунчи-ларнинг суд залидан камоққа олинаётгани ёки айрим айбоси фуқароларнинг суд залидан озод этилаётгани фактларининг қайд қилиниши бу соҳада зудлик билан ҳал этилиши керак бўлган муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жиддий бу муаммо айрим прокуратура ходимларининг малакасидаги ва масъулиятсизлигидир. Ахир баъзи прокуратура идораларида, хусусан Toshkent viloyati va Toshkent shahrida камоққа олиш чораси белгиланмаган моддалар билан айбланган фуқароларнинг камоққа олинганлиги ҳолатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бизнинг демократик қонунларимиз 17 та мажбурлов чораларининг ҳаммасидан ўз ўрнида фойдаланишни таъқозо этади. Лекин баъзи прокурорларнинг гаров ва бошқа мажбурлов чораларидан ўрни келганда ҳам фойдаланмаётганлиги билан келишиб бўлмайди.

Маърузада қайд этилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли прокуратураларнинг масъул раҳбарлари ахборот бердилар.

Шунингдек, хайъат мажлисида «Самарқанд вилояти прокуратураси идораларининг қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини ялпи текшириш натижалари ҳақида» Республика прокуратураси бўлим бошлиғи А.Манноновнинг ахбороти ҳам тингланди ва муҳокама этилди. Хайъат мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Аёллар йили» давлат дастурига мувофиқ ўтган йили Toshkent shahrida «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази ташкил этилган эди. Марказ фаолияти ҳам таъминланган, кўп болали, ишсиз аёлларга, ногирон болалар ва уларнинг оналарига, болалар уйдан мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш қизларга ижтимоий-маънавий кўмак кўрсатиш, касб-хунар ўргатишга қаратилган.

Надавлат ва нотижорат ташкилот ҳисобланган ушбу марказ айна вақтда Республика ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамда «Аёл ва жамият» институти билан ҳамкорликда иш олиб борапти. Прокуратура ходимлари ҳам марказдан ўзларининг ёрдамларини аямаяптилар. Зеро, мақсадлар муш-

нинг максимизми ҳаётда ўз ўрнини топиб кета олмаган аёлларга ёрдам бериш, катта ҳаётга кўникама уйғотишдир. Ташкилотимиз Toshkent shahri хотин-қизлар қўмитасининг бевосита қўллаб-қувватлаши ва германиялик ҳамкорларимизнинг ёрдами билан иш бошлаган эди. Бугун бизнинг саяё-ҳаракатимиз тудайли кўпгина аёллар саргарошлик, компьютер-операторлиги, ҳисобчилик каби қисқа муддатли ўқув курсларида янги касб эгаси бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини толмақда. Янги иш жойларига эга бўлиб, ўз меҳнат-лари билан элга нафи теғмоқда. Бизнинг кўмагимизга муҳтож бўлган аёлларимизга ўз мангилухимимизни эslатиб ўтмоқчиман:

Toshkent shahri, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 32-уй.

— Аёллар ҳуқуқи ва манфаатлари муқаддасдир, — деди Сирғали туман прокурорининг ўринбосари Муҳимжон Эгамбердиев. — Бу биздан масъулият, изчиллики талаб қилади. Бугунги семинар-кенгашда ҳақсизлик, адолатсизлик ва меҳрсизликка юзмаюз келган аёлларни ҳаётга қайтаришдек савоб ишнинг кун тартибига қўйилишининг ўзи гоё катта эътиборга молик ишдир.

Ишонч шундай буюк кучки, у тикандан гул, тошдан мўъжиза яратишга қодир. Биз аёлларимиз қалбига энг аввало келажакка ишонч уруғларини экомимиз керак. Вақти келиб, бу умид дарaxтлари ўз мевасини беради.

Семинарда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мазмунига кенг ўрин берилди, бу борада келгусида қилинадиган вазифалар белги-лаб олинди. Уйлаймизки, марказ фаолиятида бундан кейин ҳам ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади. Бинобарин, муҳофиза ёзувчиси В.Юго айтганидек, «Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, айта ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ бўлмаган — у келажакни ҳам ҳимоя қилади».

М.ЗАЙНИДИНОВ,
ўз муҳбиримиз

УМИД ДАРАХТИ

тарак, вазифалар умумий — аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Яқинда марказ ташаббуси билан Сирғали туманида «Аёл ва қонун» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни очган туман ҳокимининг ўринбосари Феруза Орипова асосий мавзунинг аёллар ҳуқуқига қаратиб, шундай деди:

— Бугунги кунда моддий ва маънавий жиҳатдан қўйналган аёл учун бир оғиз ширин сўз унинг бошдан зар сочиш билан тенг. Меҳр-муруватга ташна, кам таъминланган хотин-қизларга беминнат ёрдам қўлини чўзиш — савоб иш. Савоб ишлар қилинган жойда барака бўлади. Биз бекорга бугунги кенгашни «Аёл ва қонун» деб атамадик. Замонавий аёл нафақат ўй бекаси, балки жамиятнинг илгор киши-си ҳам бўлиши керак. Бунинг учун эса аёл ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билиши лозим ва шарт.

— Дунёдаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат тудайли яралган, деган экан Шарқ донишмандларидан бири, — деди сўзга чиққан «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази директори Нигора Мадиева. — Биз-



Суратда: Кенгашдан лавҳа.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

(Бошланғичи 1-бетда.)

— Даласи даласи билан ёнма-ён ҳўжаликнинг бири режади ууддаласа-ю, иккинчиси орқада қолса? Бу ҳолини қандай изоҳлаш мумкин? Еки бунда бошқа сир борми? Менимча, қаердаки қонунбузарлик ва лоқайдлик бўлса, ўша жойда иш юришмайди, — деди мувофиқлаштирувчи кенгаш кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан Республика прокуратурасининг умумий Назорат бошқармаси бошлиғи Х.Махмудов. — Ернинг маълуми минерал ва маҳаллий ўғит эканини деҳқонларимиз яхши билишади. Айрим вилоятларда ер майдонлари фосфорли ўғитлар билан озик-лантирилмасдан шудгор қилиниб, агро-техника талабларининг қўпол равишда бу-зилмишига йўл қўйилган. 2001 йилда шуд-гор қилинган сўғориладиган ерлар учун 123 минг тонна фосфорли ўғит керак эди. Бирок қишқоқ ҳўжалиги ўғитнинг бу тури билан 34 минг тонна ёки 28 фоизга таъ-минланганини қандай баҳолаш мумкин?

Масалан, Музработ туманидаги «Янги-обод», «Туркистон» ва «Кўнгирот» жамоа ҳўжаликлари ошборларида 213 тонна фос-форли ўғитлар захираси мавжуд бўлса-да, 4330 гектар ер ўғитсиз шудгорланган. Ҳақли савол турлади: «Чарчаган» ердан ўғитсиз қандай ҳосил олиш мумкин? На-ҳотки, номлари юқорида келтирилган ҳўжа-

ликлар раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўрма-ган бўлишса?

Айрим фуқароларимиз минерал ўғит-ларни ҳатто қўшни республикаларга чи-кариши ҳам касб қилиб, ўзларича «бизнес»-нинг янги усулларини ўйлаб топмоқдалар. Мисол учун, кўрғонтепалик Д.Тўхтаев 2799 кг. ва М.Қодирова 4500 кг. минерал ўғитни номаълум шахслардан сотиб олиб, А.Ма-марасулонинг уйда сақлаб келган. Кей-инчилик бу махсуслотларни Қўриғизистон Республикасига ўтказмоқчи бўлишган. Бу-ндай мисолларни ана келтиришимиз мум-кин.

Техника — деҳқоннинг қаноти. Бу гап-лар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўл. Бирок, айрим ҳўжалик раҳбарларининг лойқайдлиги тудайли республикамиз бўйи-ча мавжуд қайдо тракторларининг 30 фоизи мавсумга тайёр эмаслигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Айрим ҳўжаликларнинг раҳбарлари давлат техникасини хоҳлаган қилисига бериб юбормоқда. Масалан, Бўзтов ту-манидаги Пурилтау ширкат ҳўжалиги бош мунҳандиси С.Ҳайитов «МТ3-80» русумли тракторни бир шахсга ҳеч бир ҳўжатсиз бериб юборган. Аслида бу «саховат» ўз-ўзидан бўлмаганлиги ҳаммага маълум. Қузда пахта ҳосилининг қандай бўли-ши уруғлик чигитининг сифатига бодилги-гини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу соҳа-нинг айрим мутасаддилари ўзларича «ким билиб ўтирибди» қабилида иш юришмо-қдалар. Самарқанд вилоятидаги «Жума» пахта тозалаш акциядорлик жамияти му-

тасадди раҳбарлари бир тонна уруғлик чигит 6-7 кг. бронатик препарат билан дориланганини билса-да, улар дори миқ-дорини 4-5 кг.га тушириб қўйишган. Узин-гиз ўйланг, ана шундай сифатсиз чигит билан қандай қилиб юқори ҳосил олиш мумкин?!

Уруғлик чигитларини сақлаш ва тайёр-лашда вилоятнинг Улуғбек, Бехзод, Зиё-ғаллар, Каттакўрғон, Митан, Зирабулоқ ва Челек пахта тозалаш заводларида ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Ўтган йилнинг 20 октябрь кунини Окса-ройда бўлган йиғилишда юртбошимиз Ислоом Қаримов мамлакатимиз далалари-га эртангилар гўза навларини экиш лозим-лигига алоҳида эътиборни қаратган эди. Вазирлар Маҳамаси бу ҳақда махсус қарор ҳам қабул қилди. Аммо Қашқадарь, Наман-ган, Фарғона вилоятларида қарор талаб-ларини бузиш ҳўлларига йўл қўйилмоқда. Республикаимиз ҳўжаликлари чигит экиш-ни 2001 йилнинг 10 апрелгача ниҳоялаши лозим эди (Шимолги вилоятлар бундан мустасно).

Таҳлилларга назар соладиган бўлсак, Андижон, Қашқадарь, Сурхондарь ва Фар-ғона вилоятларидагина чигит экиш ишла-ри тугалланган, ҳолос. Наҳотки, қолган вилоятларнинг шу соҳага мутасадди ра-ҳбарларига ўтган йилги хатолар сабоқ бўлмаса.

Республикамиздаги ҳар бир қарич ер ҳисобда эканлигини айрим ҳўжалик раис-лари унутиб қўймоқдалар. Давлат мулки ҳисобланган ерни ўзининг шахсий буюми-

дай хоҳлаган фуқарога сотиш эвазига ўзлаштириш пайида бўлишмоқда. Сирдарь вилоят Шароф Рашидов туманидаги «Бўстон» ДФХБ нинг 3-бўлими бошқару-вчиси Р.Турдалиев фуқаро Б.Қаюмовга 2 гектар ер майдонини 100 минг сўмга со-таётганда қўлга олинди. Бундай мисол-ларни бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин.

Маърузачи сўзининг сўнггида аграр соҳада қўшиб ёзиш, бажарилмаган иш учун ҳақ тўлаш ҳолатлари қўллаб содир этила-ётганига эътиборни қаратди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш сўнггида тегишли мутасадди ташкилотларнинг раҳ-барлари маърузада келтирилган танқидий фикрлар юзасидан тўшунтириш бердилар.

— Умид билан қадалган чигит ниҳолга айланмоқда. Навбатдаги вазифа ана шу ниҳолларни асраб, уларга ўз вақтида агро-техник ишлов беришдан иборат. Деҳқон-ларимиз оғир синовли кунлар билан юзмаю-з турганига маълум яхши тушунамиз. Сув — зар, сувчи — заргар, деган гаплар ҳақиқат эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Хар қатра сувдан унумли фойдаланган деҳқоннинг юзи ёруғ бўлади. Шундай экан, қишқоқ ҳўжалигига маълум хар бир раҳбар деҳ-қонга маддадор бўлмоғи лозим, — деди Республика Бош прокурори ўринбосари Пулат Бобожонов мажлисга яқун ясар экан. — Ана шундангина олдимизга қўйган мақ-садларга эришамиз. Бунинг учун барча-миз аҳиллик билан ишлашимиз лозим.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда Прези-дентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Н. О. Ёқубовнинг иштирок этди.

Кенгашда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

З.МАМАДАЛИЕВ,
«Хуқуқ» муҳбири



9 МАЙ —
ХОТИРА ВА
КАРАШ КУНИ

СИЗДАЙ БЎЛСАМ ДЕЙМАН

ИНСОН яшар экан ўз олдига мақсад қўяди, мақсади сари интилади. Агар инсон ўз олдига қўйган эзгу орзу-ниятларига эришса, бундан ортик дунё саодати бўлмас керак.

Ана шундай саодатга эришган инсонлардан бири ўзидан катта илмий мерос қолдирган ҳуқуқшунос олима Хадича Сулаймонова эди. Олима муррабқ тарихий даврда яшаш билан бир қаторда ўз халқининг, Ватанининг фидойиларидан эди.

"Олтин оёк остида ётмайди, яхшилик унут бўлмайди", дейди доно халқимиз. Хадича Сулаймонова қисқа умри давомида атоқли олима, мурраббий, давлат ва жамоат арбоби, ҳуқуқшунос сифатида ўзидан ёрқин из қолдирди.

Хадича Сулаймонова ёшлигида ҳуқуқшунос Тожион Шодиева қатнашган суд жараёнларида иштирок этиб, худди улардек бўлишни орзу қилади, адолатли судья бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунга эришади ҳам. Ҳатто у 22 ёшида Ўзбекистон Олий Суди аъзолигига сайланди. Бу ёшда мазкур лавозимга сайланиш осон эмас эди.

Олима 1945 йилда "Жарбий интервенция ва фуқаролар уруши даврида Ўзбекистоннинг жиноят қонунлари" мавзусида диссертация ёқлаб, юридик фанлари номзоли бўлди. 1950 йилда "Ўзбекистонда жиноят ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Баъзилар ҳалигача аёлларнинг юридик соҳада ишлашларига гайриоддий қарашди, бу соҳага "эркаклар иши" деб баҳо берадиганлар ҳам топилади. Лекин Хадича Сулаймонованинг ҳуқуқ соҳасида етук мутахассис, ўз касбининг устаси бўлганини ҳеч ким инкор этмайдди.

Олима Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Юридик комиссия раисаси лавозимларида ҳам аёлларга хос нафосатни сақлаб, одамлар билан муносабатларда оддийлиги ва самимийлиги билан ажралиб турар эди.

"Хадича Сулаймонова қандай вазифада: доцент, кафедра мудири, институт директори, Адлия вазирлиги, Юридик комиссия раисаси, Республика Бош судьяси лавозимларида ишлаганини, илмий ва ташкилий ишни жуда катта фойдалик ҳамда ғайрат билан олиб бора эди. Камтарлиқ, миселнасеварлик, мақсадга эришишга ишонч билан уйғунлашган оптимизм, ўртоқларга нисбатан эътибор ва ёш мутахассисларга ғамхўрлик, қатъийлик унинг характери билан белгилаб беради", дейди Адлия вазирлиги ўринбосари Буритшо Мустафоев олима ҳақида.

Умри оқар дарёга қиёслашлари бежиз эмас. Шундай табарруқ инсонларнинг ҳаёти йил авлодлар учун нурли мақдир. Хадича Сулаймонова ҳам адолат ва қонунлилик машалларини ёққан буюк олима эди. Халқимизнинг фахри бўлиши бу ўзбек аёли мустақиллик ва ҳуқуқий демократик давлат пойдеворига муносиб фиш қўйган ҳуқуқшуносларимиздан эди.

Муҳтабар ХУСАНОВА,
ТДЮИ 3-хуқуқ факультети
талабаси

ҲАЁТ БАРҲАЁТЛИК УЧУН КУРАШДИР...

М. ПРИШВИН

Иилларнинг йиғини умр саналмас,
Элга наф етказган кунинг умрдир.

(Халқ ҳикмати)

УМРНИ оқар дарё дейдилар. Дарёнинг ортага қайтганлигини, умрнинг бирор сониясини орқага қайтара олган инсонни ҳали бу кўхна дунё кўрмаган. Хотира кунни яқинлашган сари қалбимда бир туғён жўш уради. Инсонларнинг менга қилган яхшилиги ёдимга тушади. Ҳаётда фақат яхши одамларга дучор бўлганим, ҳақиқий инсонлар қуршовида бўлиб, улардан фақат яхшилик кўрганам, бироқ бу яхшиликларга муносиб жавоб қайтара олмаганим менга бир армон бўлса, ўзим ҳам кимларгадир яхшилик қилишга интилаётганим қалбимга юпанч бағишлайди.

Ҳаётда яхши билан ёмонни ажратилишга кўмак берган, адашган пайтда йўл кўрсатган, касбга дастлаб қадам қўйганда устозлик қилган инсонларни хотирлаб, уларга дилдан миннатдорчилик билдирмайдиган киши бўлмас керак. Шундай инсонлар ҳақида ўйлаганимда устозим, прокуратура идораларида қарийб 30 йил меҳнат қилиб, Ватан, миллат равнақи учун ўзини аямган Баҳодир ака Абдусатторовнинг ҳаёти бир-бир кўз олдимдан ўтади.

Матбуотда пахтакор деҳқон, элга наф келтирган чорвадор, халқ улугулаган шоир ва ёзувчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, ҳуллас барча улуғ инсонларимиз ҳақида кўплаб ўринли чиқишларни ўқиймиз, бироқ прокуратура, суд ва адлия ходимларининг шарафли ва масъулиятли ишларига бош-қош бўлган ин-

сонлар ҳақида жуда кам ёзилиши ҳеч кимга сир эмас.

Ёшларга ўзларининг тажрибаси, инсонийлиги, касбга садоқати билан ўрнатилган, доимо халқ ичида юрган кўплаб инсонлар ҳақида матбуотда чиқишлар қилинса, бу ҳам ёшларга кўп фойдали бўлар эди.

ЯХШИЛАРНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

Ҳикоямиз қахрамони марҳум Баҳодир ака Абдусатторов шундай фидойи инсонлардан бири эди. У кишини республикамаида, айниқса Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах қишлоқларида жуда яхши билишар, ҳақиқий инсон, жонқуяр касб эгаси сифатида ҳурмат қилишарди.

Баҳодир ака 1947 йил Фаллаурол туманида туғилиб вояга етган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги УЗМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини 1971 йилда тугатиб, Самарқанд вилоят прокуратурасига йўлланма олаётган даврида менга ҳам ўқишга ҳужжат топширишга келиб, бу инсон билан илк бор танишганман. Тақдир тақозоси

билан 1976 йили янги очилган Зафаробод тумани судига ижрочи бўлиб ишга борсам, Баҳодир ака шу туманда прокурор экан. Адлия идораларида ишлаб юрган кезларим эди, 1980 йил март ойида Баҳодир ака тўсатдан қақриб, "прокуратура идораларида ишга ўтмайсанми, мана 4 йил давомида суднинг, жамоатчи сифатида прокуратуранинг ҳам ишини ўргандинг", деб қолди.

Ҳуллас, Баҳодир ака сабаб прокуратура тизимига ишга ўтдим. Иш

деб кўп такрорлар эди. Ҳозирги Зафаробод туманидаги прокуратура ва суд бинолари ҳам Баҳодир ака Абдусатторовнинг сая-ҳаракатлари натижасида қад ростлаган. У 1984 йили Пахтакор туманига ишга ўтганида ҳам прокуратура идораси учун янги бино қурдириш ниятида елиб-югурди.

1989-1996 йилларда Сирдарё туманларо прокуратурасига ва Бахмал тумани прокуратурасига раҳбарлик қилди. Кейин унинг қатъийлиги, кўп йиллик иш тажрибаси инобатга олиниб, вилоят маркази — Жиззах шаҳар прокурори лавозимига тайинланди.

2000 йилнинг июль ойларида "Баҳодир ака бевакт оламдан ўтибди", деган хабар яқин дўстлари қатори мени ҳам жуда шошириб қўйди.

Мана, қарийб бир йилдики прокуратуранинг фахри ходими, фидойи инсон, меҳрибон ота ва устоз, камтарин қалб соҳибига Баҳодир Абдусатторов орамизда йўқ.

Баҳодир ака ҳеч қачон шухрат қозонишга интилмаган, сохта обрў топиш, бўлар-бўлмасга ўзини кўрсатиш у кишининг табиати учун ёт нарса эди.

Яқин дўстлари Баҳодир Абдусатторов туғилиб ўсган жойдаги кўчалардан бирини у кишининг номи билан аташ таклифини кўтаришган. Бизнингча Баҳодир ака бунга муносиб инсон эди.

А. АГЗАМОВ,
Юнусов тумани
прокурорининг ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси



жараёнида Баҳодир ака жуда каттиққўл одам эди. У киши қайси туманда ишлаганини, биринчи навбатда идоранинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор қаратарди. "Фуқаролар химоя ва мадад истаб келадиган даргоҳ батартиб, ораси ва кўринишли бўлиши керак",

ШАҲИДЛАР ҚАЙТИШМАЙДИ

БАҲОҚ ўрталари. Эртанги ўрикларга ранг кирди, гилослар "лола қизгалдоқ" бўлган дамлар. Шоқир ота "тик" этса эшикка қулоқ тутиб, муъжазгина ҳовли ўртасига қўйилган ёғоч сўри чеккасига омонатгина чўккан. Отага эғнидаги оппоқ яқтаги жуда ярашиб, янада салобатли кўрсатиб турибди. Икки қўли билан ҳассасига суяниб, бир нуктага тикилганча хаёлга чўмган. Бу йилги кўламда кенжаси Баҳодир 20 га қирарди. Қандай норғул, ақлли, меҳнаткаш йигит эди-я?! Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин! Қандоқ қилсин, осмон — узоқ, ер — қаттиқ.

Мастура холяни бу кўргулик тўшақка михлаб қўйди. Шоқир отанинг юрак бағри эзилиб юрса ҳам, 40 йиллик умр йўлдошига сездирмайдди. Кўз ёшларини ичига ютиб, ўзини бардам туттишга ҳаракат қилади. Пешин намози устида бирдан жигаргўшасидан хабар олгиси келди. Лекин кампирининг уйда ёлғиз қолишини ўйлаб иккиланди. Ақсига олиб, эрталаб бу фикр унда йўқ эди. Уртанча келини Шохиста онасидан хабар олиб келиш учун рухсат сўраганида розилик берган ҳам ўзи. Унда ҳам айб йўқ, икки ойдан бери остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Бунинг устига "шўхлик қилиб, сизларни чарчатиб қўяди", деб болаларини ҳам бирга олиб кетган.

Шоқир ота қафтини пешонасига соябон қилиб, пастлаб бораётган қуёшга қарар экан, яна хаёлга чўмди. Худого шукр, фарзандлари қобил чиқди. Қизи Холида ҳамшира, ўзидан кўпайиб, тиниб-тинчиб кетди. Катта ўғли муҳандис, ўртанчаси ота хунарни олган. Дуррадгор. Катталар хурматини жойига қўйишди. Қариганимда белимга қувват бўлишяпти, барака топқурлар. Хонадонлари маҳалладаги обрўли оилалардан. Шоқир ота билан Мастура холя шуларни орзу қилишмаганимди? Лекин бири кам дунё экан, Баҳодир пешоналарига сиғмади. Хизматга бориб келиб, ҳуқуқшуносликка ўқимокчи эди. Афсус, орзулари ўзи билан кетди. Шоқир отанинг кечагидек эсида, кечки дастурхон йиғилиб бўлибган, Мастура холя билан Баҳодир хонтахта атрофига қайта ўтиришди.

— Дада, акаларим, ўртоқларим қатори хизматга бормоқчиман. Мана, мактабни битириб, шогирд бўлиб ишлаётганимга ҳам бир йилча бўлди. Синфдошларим ҳам хизматга боришмоқчи. Ўқишга келаси йил қирарман. Шунга оқ фотиҳа берсангиз, — деди Баҳодир ийманини қилиб.

Ота пивлада совиб қолган чойни ичиб ўрнидан турди. Ойла аъзолари бунга ўрганиб қолишган. Демак, маслаҳат жавобини бугун олишолмайди. Одат шунақа.

Ховлига тушиб атрофни кўздан кечирди. Бир туп гилос қийғос гуллаган. Худди бутун дарахтга оқ чойшаб ўраб қўйилгандек. Нимагадир кўнглига ғашлик келди. Ёмон хаёллари орқага ташлаб, кўкка қаради. Осмон мусаффо, қулдулар чарақлайди. Фарзанд ота-она учун доимо ёш тўлаверар экан-да, мен уни ҳали ёш бола деб юрсам, кап-катта йигит бўлиб, "армияга бораман" деб юрибди. Ҳа, майли шунисига ҳам шукр, акаларига тортиди. Ҳарқалай, мустақилликка ўргангани яхши. Кўпни кўрган — кўп нарса билади. Қолаверса, юрт тинчлигини қўриқлаш, унга хизмат қилиш инсонийлик бурчи-ку, ахир...

У шуларни эсларкан, юрагига қандайдир фахр ҳислари жўш уради. Фарзандларидан фахрланди. Еру-дўстлари, маҳалла-қўй қўлини кўксига

қўйиб "Шундай фарзанд ўстирганингиз учун раҳмат", дейишганида кўзларига ёш қалқиганди.

Баҳодир чегарачилар сафида хизмат қилди. У юртимиз тупроғига гараз ниятлар билан яширинча қадам қўймоқчи бўлган ватанфурш хонларнинг кирдиқорлари ҳақидаги хабарни навбатдаги машғулдан қайтган, эшитди. Газаби қайнаб, кафтлари муштга келди. "Демак бу сафар улар юртимизнинг жанубий ҳудудларини, Тожикистон билан чегаралаш тоғлик масканларни танилашибди, газандалар", ўйлади Баҳодир.

Шу тариха яна бир мақсади мустақил юртимиз равнақиға путур етказиш, барқарорлиқни издан чиқариш бўлган ёлланган жангарилар ниятига етишолмади. Бир қадамлари икки бўлмади. Келган жойларига қайтиб кетолмай, жасадлари тоғу-тошлар ичида қолиб кетди. Лекин... Жанг қурбонсиз бўлмас экан. Ватанфуршлар охириг умидлари — Ҳисор тоғларининг Девлоқ тепалигини кўздан бермаслик учун жанг қилардилар.

— Вақт анча кеч бўлиб қолган эди, — деб ҳикоя қилади Баҳодирнинг сафдошларидан бири К.Туйғунов. — Атроф арчазор. Тоғ жойлари қоронгу туши билан янада ваҳимали бўлиб кетади. Гурҳумиз 8 кишидан иборат эди. Ҳаммаси бақувват, чапдаст йигитлар. Пистирмада ётган душман ярим тунда кўзғалиб қолди. Отишма бошланди. Баҳодир ҳам ёнимизда эди. У миномёт столтини ўқ ёмғири олов сингари отилиб чиқаётган нуқтага тўғриллади. Тўсатдан 15-20 метр нарида снаряд портлади. Бир зум атроф чакмоқ сингари ёришиб, тез сўнди. Дастлаб нима бўлганини билиб қолдик. Кейин кўл чирогой билан қарасак, Баҳодир ерда гужанак бўлиб ётибди. Яна бир жангчимиз оёғидан яраланибди. Газаби жунбушга келган йигитларимиз душман нуқтасини кетма-кет ўққа тутиб, ер билан яқсон қилиб ташлади. Тонгга ҳиким кадрдон сафдошимиз Баҳодирдан ажрадик...

Хотира ва қадрлаш кунни арафасида Баҳодирнинг отаси Шоқир ота билан мустақил юртимиз истиқболи, ўн йил ичидаги катта ўзгаришлар ҳақида сўхбатлашдик. Порлоқ келажакимиз учун ташқи душманлар билан олишувда ўз жонини қурбон қилган ўнлаб фидойи йигитлар руҳпоқларига тиловат қилиб, юзимизга фотиҳа тортидик.

— Шаҳидлар қайтишмайди, — дейди Шоқир ота мунгли овозда. Мен ўғлимдан мингдан минг розиман. Аллоҳдан сўраганим, у ҳам биздан рози кетган бўлсин. Яна бир илтимосим шуки, ёзадиган бўлсангиз манзилми мизни айтманг. Бундай айрилик бошқа оилалар бошига ҳам тушди. Улар нима дейишади. Ҳаммамизнинг фарзандимиз ўзимиз учун ширин. Мен розиман, болам.

Шоқир отанинг бардоши-ю, бағрикенглиги яна бир қарра иймон келтириб, илтимосини баҳо айлади. У киши биз билан хайрлашиб, юракларининг бир парчаси, жигаргўшаси абадий кўним топган Шайх Зайиниддин бува қабристон томон оҳиста кетар эканлар, орқаларидан узоқ вақт хайратда қараб қолдим.

Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА,
"Хуқуқ" муҳбири



9 МАЙ —
ХОТИРА ВА
ҚАДРАШ ҚУНИ

ҲАЙРАТ

(кичик ҳикоя)

ЭШИК таққиллади. Кекса аёл ўрнидан туришга мажולי бўлмаса ҳам келган меҳмонларни кутиб олди. Келганлар ўғлининг ҳарбий хизматни бирга ўтаган қуролдош дўстларни эди...

Онанинг ҳол-аҳволини сўраганларидан кейин новчадан келган аскар: "Холажон! Вақтимиз зиқ эди, фақат бир-икки соат руҳсат олиб сизнинг дуоингизни олишга келгандик", деди.

Кекса аёл тараддулланиб: "Ўғлим, бу нима деганингиз, шунча йўлдан келибсизлару мен сизларни меҳмон қилмасдан юбораман-ми?" деди. Лекин кекса аёл бу сўзларни ёлғиз ўғлининг ҳаёт пайтидаги вазиятга ўрганиб кетганигидан гапирганди, бунинг нима билан туғашини ўйламаганди.

Иккинчи аскар соатига қараб: "Майли хола, қорнимиз тўк, лекин иккитадан тухум қовурсангиз йўқ демаймиз" деди. Аскар ҳовлида юрган бир-иккита товўққа кўзи тушгани учун бу таклифи кекса аёлга оғир бўлмас деб ўйлаганди. Кекса аёлнинг уйда эса иккита тухумдан бошқа егулик йўқлигини аскар қаердан ҳам билсин...

Кекса аёл ошхонага бораётиб, ҳарбий хизматни ўташ чоғида, ватан хоинлари ўқиға учиб шайх кетган ўғлини эслади.

У ҳам дўстлари каби қовурилган тухумни яхши кўрарди...

Титроқ кўллари билан тухумларни синдираётган кекса аёл муҳтожлигини билдирмасликнинг чорасини қидираётганди...

Аскарлар иккитадан тухум ейишни кутиб ўтирганлари ҳолда, товўқларида биттадан тухум кўрса қандай бўлади?!... Кекса аёл бошқа ҳеч нарса қила олмади, ожизликнинг берган тавақкали билан тухумларни синдирганида нурли юзини севинч кўз ёшлари ювди...

Сабаб, ҳар иккала тухум ҳам жуфт сариққа эга эди.

ЎЗМУ магистрант
Озод САТҚИЛИЧЕВ
таржимаси

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам — яхши бил, Сени яхши ном бирла ёғ этсин эл.

САЪДИЙ

Дарҳақиқат, ёшлиқда орзу қилган ниётларга етдим деганингизда, ёшингиз ҳам улғайиб қолганлигини сезмас экансиз.

Умр ўтган сайин меҳнатларим самараси қандай бўлди, Ўзбекистон учун, халқимиз учун қандай хизмат қилдим, умуман ҳаётга инсон бўлиб келиб қандай из қолдирман, деган саволлар тобора вужудингизни қамраб олар экан.

Ана шу вақтда босиб ўтган ҳаёт йўлингизга фақат ўзингизга баҳо берасан. Энг муҳими — виждон кийналмасин!

Обид Содикович Нурбоев Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ўғлини деган юксак номга муносиб, чунки у умрининг 32

лан сўхбатга жалб қилиб, у кишидан ўз ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида гапириб беришларини илтимос қилдик. У киши ўйлашиб туриб, лозим топдилар шекилли, аста-секинлик билан гап бошлади:

— Мен 1941 йил 20 июнда Тошкент вилоятининг ўша вақтдаги Сирдарё туманида ишчи оиласида туғилдим. Отам Ўлмас Сидиқов комсомол йўлланмасига асосан, Велико-Алексеевский (ҳозирги Бахт шаҳри)даги пахта тозалаш заводига ишчи бўлиб юборилган экан. Мени ҳам ўзлари билан олиб кетди.

Бу даврда, яъни 1959 йили мен Велико-Алексеевский кўрғонида-

сўзларини тинглаб, у кишини барча қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Фақат иродали инсонгина ҳаёт қийинчиликларини енгилда ўта бадшошли бўла олар экан.

Обид ака ота касбини давом эттира олмаслигига кўзи етгач, 1963 йили Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирди.

1967 йилда тахсилни тамомлаб, бир қанча йирик корхоналарда катта юрист лавозимларида фаолият кўрсатди.

Самарали меҳнатлари тўғрисида у киши Сурхондарё вилоят прокуратурасига ишга таклиф эти-

билан Обид ака Республика Прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси лавозимига тайинланди.

Шундан кейин Обид ака маҳкаманинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўлими катта прокурори, прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармасининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими прокурори лавозимларида ишлаган.

1997 йилнинг октябридан бошлаб эса судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг катта прокурори вазифасида ишлаб келяпти.

Сафдошларимиз орасида ана шундай матонатли инсонлар борлигидан фахрланамиз. Уларнинг хизматлари эътиборсиз қолмайди.

Энг муҳими, Обид ака мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг меҳнатда эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Фармониға асосан "Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи" билан мукофотланган. Шунингдек, Обид ака 1995 йилда "Прокуратура органларининг фахрий ходими" нишони билан, 1999 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони билан тақдирланган.

Биз ана шундай касбдошларимиз билан фахрланамиз.

Обид ака, яқинлашиб келаётган 60 ёшингиз муборак бўлсин, умрингиз узок бўлишини, қалбингиздан хурсандчилик, юзингиздан табассум аримаслигини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз номидан И.ЖАСИМОВ

УМР КИТОБ ВАРАҚЛАГАНДАЙ ЎТАВЕРАР ЭКАН...

йилини, ҳаётининг энг ширин дамларини прокуратура тизимига бағишлаган инсон.

Обид ака Нурбоев ҳаётда ўта камтарин, иймочли инсон. Босиб ўтаётган машаққатли хизматни мобайнида зукколиги, тўғрисиқлиги, қатъиятчилиги билан касбдошлари орасида чексиз хурматга, обрў-эътиборга, юксак унвонларга эришиб келмоқда. Инсон бўлиб туғилдикми, инсон бўлиб қолайлик! Қисқаси, ана шундай инсоннинг ҳаёти билан танишасак.

Обид акани таваллуд айёмининг 60 йиллиги муносабати би-

ги Ломоносов номли 14-ўрта мактабни яхши баҳоларга тамомлаб, отамнинг изидан боришга қарор қилдим ва пахта заводида машинист ўқувчиси, дизел мосламаларига мой қуювчи, машинист ёрдамчиси вазифаларида иш бошладим.

1960 йилда ҳарбий хизматга қақрилиб, Польшадаги ҳарбий қисмда, аникроги, танк батальонида хизмат қила бошладим. Аммо, бевақт йўлқичан касаллик тўғрисида муддатдан илгари Ўзбекистонга қайтдим...

Биз Обид аканинг ҳаяжонли

лади.

Шундай қилиб, Обид ака Нурбоевнинг прокуратура органларидаги меҳнат фаолияти бошланди.

Обид ака Нурбоев 1969 йилдан 1973 йилгача вилоят прокуратурасининг тергов бўлими прокурори, прокурор-криминалист лавозимларида ишлаб келди.

1973 йилда собиқ СССР Бош прокуратураси "Энг яхши терговчилар" анжуманини ўтказди. Анжуманга Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг энг яхши терговчилари қаторида Обид ака Нурбоев ҳам таклиф этилди ва эсдалик совға билан мукофотланди.

1973 йилнинг октябрида Республика прокурорининг буйруғи

УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН!

Уруш йиллари ҳақида унинг бевосита иштирокчиларидан ортиб бир нарса дейиш қийин: урушнинг номи ўчсин! Аммо юртга душман даф қилганда ушар қарши курашмаслик ҳам марднинг иши эмас.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган йиллари Тўхта ака Ҳожимухаммедов эндигина 18 ёшни қарши олган эди. 1942 йилнинг сентябрида ҳарбийга қаққрилди.

Ҳарбий хизматда ёш командирлар ўқишини муваффақиятли тамомлаб, сержант унвонини олди. Кейинчалик офицерлар ўқишида ҳам таҳсил олиб лейтенант унвонини олгач, пивда аскарлар қисмида взвод командири бўлиб жангларда қатнашди.

Чехословакия учун бўлган жангларда яраланган Т.Ҳожимухаммедов галаба кунини Польшанинг Хибин темирўйл станцияси ҳудудидаги ҳарбий госпиталда кутиб олганди.

Урушдан сўнг Ўзбекистонга қайтган Тўхта ака Адлия вазирлигига қарашли юристлар тайёрлайдиган икки йиллик мактабни тугатди. Кейинроқ, аникроги 1956 йилда сиргидан ўқиб олий маълумоти юрист дипломини олди.

Прокуратура идораларидаги 50 йиллик фаолияти давомида Тўхта ака Бухоро, Андижон вилоятларида, Тошкент шаҳрида турли лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилди. Ана йиллар Республика прокуратурасининг тергов бошқармасида фаолият кўрсатди.

Айни пайтда Республика прокурату-

раси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари маъласини ошириш Марказида катта ўқитувчи бўлиб ишлаётган Тўхта акани ёш ходимлар севимли устози сифатида қадрлашди.

У киши кўп йиллик меҳнатлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист", "Республика прокуратурасининг фахрий ходими" унвонларига сазовор бўлган.

Эгамберди ака Ҳақимов Пенза шаҳридаги артилерия билим юртини тугатгач, 1942-45 йиллар мобайнида дастлаб взвод командири, кейинчалик батарея командири лавозимларида Москва остонасидан Берлингача бўлган жанговор йўлни босиб ўтган. Жангларда олган оғир жароҳатлари тўғрисида бугун у киши II тоифадаги уруш ногирони.



Суратга: Прокуратура фахрийлари Т.Ҳожимухаммедов (чапдан биринчи), В.Қарғашов ва Э.Ҳақимовлар.

Урушдан қайтгач, Тошкент юридик институтини тугатган Эгамберди ака кўп йиллар прокуратура идораларида турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилган.

1962 йилдан у кишининг илмий фаолияти бошланади. ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида тахсил олгач, 1964 йили номзодлик, сўнг докторлик диссертацияларини ёқлаган Э.Ҳақимов 1995 йилгача илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимларида ишлаган.

Айни пайтда у киши Республика про-

куратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари маъласини ошириш марказида кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Э-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Э.Ҳақимов турли жанговор ордан-медаллар соҳиби бўлиш билан бирга ўнлаб фан докторлари ва номзодларининг севимли устозидир.

Ш.ЁДГОРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

«Besh-yogoch pivosi»

масъулияти чекланган жамияти



Хотира уйғонса гўзалдир!

*9 май — Хотира ва
Қадрлаш кунини муносабати
билан ўтганлар руҳини ёд
этиб, шу мунаввар кунлар учун
курашганлар хотираси олдидан
таъзим қилади.*



Манзил: Тошкент ш., Олмазор - 3, Аллия берк кўчаси, 162.
Тел.: 45 - 54 - 40.

«ТОШШАҲАР ИЎЛҚУРИЛИШТА ЁМИРЛАШ»

ТРЕСТИ

**9 май — Хотира
ва Қадрлаш кунини муносабати
билан ўтганлар руҳини ёд этади ва
Ўзбекистон халқига фаровонлик,
дастурхонига тўкинлик, бунёдкорлик
ишларида муваффақиятлар тилайди.**

*Ўқинишиз бежатар бўлин,
азиз юртдошлар!*



«КОМРОН-СЕРВИС»

2001 йил 24 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Маълумки, 5-6 йил олдин коммунал хизматлар собиқ ЖЭКлар томонидан кўрсатилар эди. Барча турдаги тўловларни ўз вақтида тўласак ҳам кўп қаватли уйларда йиллаб таъмирлаш ишлари олиб борилмас, муаммоларни ечиш учун маблаг етишмасди. Чунки, марказлаштирилган ЖЭКлар юзлаб кўп қаватли уйларни ўз тасарруфига олган ва уларга ўз вақтида тўлиқ хизмат кўрсатмас эди. Юзага келадиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 1999 йил 4 октябрь кунини Вазирлар Маҳкамаси «Уй-жой мулкдорларининг ширкатини тузиш тўғрисида»ги қарорини ҳаётиямизга жорий қилди ва ЖЭКлар тугатилиб, улар ўрнида уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тузилди. Улардан бири «Комрон-сервис»дир. 2000 йил 1 июль кунини ташкил этилган мазкур ширкат пойтахтимизнинг А.Икромов тумани, Чилонзор 31-мавзесида жойлашган ва 6300 хонадондан иборат 30 та кўп қаватли уйга коммунал хизмат кўрсатади.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ширкат бошқаруви раиси Қ.Мусаев иш юритишни авваламбор ширкат кенгашини ташкил этишдан бошлади. Шу мавзедан истикомат қиладиган, маҳаллада обрў-эйтибор қозongan 5 киши кенгаш аъзолари этиб сайланди. Айни пайтда барча ишлар кенгаш аъзоларининг бевосита иштироки билан амалга ошириляпти.

«Комрон-сервис» уй-жой мулкдорларининг ширкати тумандаги энг катта ширкат ҳисобланиб, унинг бир ойлик пул йиғини 8 млн. 700 минг сўмини ташкил қилади. Шунинг 55 фоизи умумий фойдаланиш харажатларига, 45 фоизи эса коммунал тўловларга ажратилмоқда. Сир эмас, ёз-куз мавсумида, айниқса кунлар исиб кетган вақтларда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ертўлаларда вужудга келадиган муаммолар, ҳар хил касаллик тарқатувчи манбалардан азият чекишади. 2000 йил август ойида ширкат «Намуна-сервис» фирмаси билан ҳамкорликда ертўлаларни дорилаб чиқди.

Айни вақтда ширкат аъзолари кейинги қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриши мақсадида 12 та уйда белгиланган ишларни тугатишди, қолган уйларда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ширкат аъзолари кам таъминланган, ёлғиз, ногирон оилаларга ҳам ёрдамларни кўрсатиб келмоқда. Уй бошқарувчилари, ширкат кенгаши аъзолари ҳамкорлигида бундай оилаларга уй тўловларини тўлаш учун моддий ёрдамлар ташкил этилмоқда. Маҳалла қўмиталарига ширкат аъзолари Наврўз, Мустанқиллик байрамларини ўтказишда ёрдамлашиляпти.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини шу фаровон кунларимиз учун курашганларни ёд этамиз ва Ўзбекистон халқига, шу жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор-31 мавзеси аҳолисига тинчлик-хотиржамлик, юртимиз тараққиёти йўлидаги меҳнатларига зафарлар тилаймиз.

Марказий Осиёдаги
энг йирик цемент ишлаб
чиқариш корхоналаридан
бири бўлган

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан ўтганларнинг руҳини ёд этиб, халқимиз бахт-саодати йўлида курашганлар хотираси олдида таъзим қилади. Ватанимиз осмони тинч ва мусаффо, истиқболимиз порлоқ бўлишини тилайди!



9 май—Хотира ва Қадрлаш кунинда Ватанимиз, миллатимиз мустақиллиги учун курашган, юртимизни озод ва обод кўриш йўлида жон фидо қилганларни ёд этиб, уларнинг руҳи олдида таъзим қилади ва Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, юртимиз тараққиёти йўлидаги меҳнатларида омадлар тилайди.

— Иш бошлаган вақтларимизда моддий жиҳатдан ахволимиз жуда ёмон эди,—деб гапни бошлади "РАФ" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М.Зоилов.—Ҳатто жамиятда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ойлик маошларини беришга ҳам қўйналардик. Ишчиларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш режамизда белгиланганидек бажарилмасди.

Айни пайтда жамиятда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимиз, ҳайдовчиларимиз сони 270 тани ташкил этади. Қувонч билан алоҳида таъкидлашим керакки, уларнинг фидойий меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари эвазига жамиятимиз юқори кўрсаткичларга эришди. Чунончи, ҳисоб-китобларимизга қараганда, бу йил чиқарилган 100 сўм қўйма-тидаги оддий акция учун ҳар бир акциядорга 249 сўмдан дивидент тўланди.

Шунингдек, «СамКуч-Авто» тамонидан ишлаб чиқарилган "Отаўл" микро автобусларининг техник ҳолатини созлаш, қайта таъмирлаш учун ойига саккиз миллион сўмлик иш бажарилмасди.

Шу кунларда кредит ҳисобига олинган қарзларимизнинг 47 фоизини тўлаб бўлдик.

Дарҳақиқат, халқимизнинг узоғини яқин қилиб, ўзларининг самарали меҳнатлари билан иш юритиб келаётган «РАФ» акциядорлик жамияти Республикаимиздаги ёш корхоналардан ҳисобланади. Жамиятга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар Мулк бошқармаси томонидан 1994 йилда асос солинган.

Айни кунда жамиятнинг хизмат кўрсатиш сифати беқисслигини барча бирдек тан олиши, шубҳасиз. Яна шунини таъкидлаш жоизки, жамият ишчи-хизматчилар учун яқинда фойдаланишга топширилган ювенил хоналари, кўчалам-зорлаштирилган дам олиш майдончаларининг шинамлиги кишининг кўзини қувонтиради.

Зеро, "Талаб қилма, тадбир бил" деганлари "РАФ" акциядорлик жамияти учун айтилгандек, назаримизда. Чунки қисқа фурсат давомида жамиятнинг кўзга кўринган корхоналардан бирига айлантириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, шундай эмасми?



*Ўтганлар руҳини
шод этиш, уларнинг хотирасини
қалбда сақлаш,
одамларнинг қадрига етиш
энг улув инсоний фазилатлардандир.
Бу фазилатлар ҳеё вақт
қалбимизни ташқ эмасми!*

«ТРАНСФОРМАТОР»

ҳиссадорлик жамияти

МАНЗИЛ:

Чирчиқ шаҳри. Тел.: (31171) 3-01-61.

МУЛОҲАЗА

"Жиноятга қўл уришдан олдин унинг оқибатлари ҳақида ўйлаб кўринг: жазо олишингиз аниқ. Лекин нима учун сизни деб ота-онангиз, жуфти ҳалолнингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз жабр чекиши керак? Улар қайси гуноҳлари эвазига эл-юрт олдиди тили қусик, бўйни эгик юрадилар, боласи, отаси қамалган деган тамғани кўтардилар?!"

Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, "Криминал хабарлар" кўрсатуви муаллифи Улуғбек Собиров навбатдаги кўрсатуви шундай давлат билан якунлади...

айбини айтсак уят бўлади деб ҳисоблардик. Нега энди жиноят қилишга уялмаган одамдан уялишимиз керак? Ахир, у эртага менинг яқинларимни ҳам жиноятга бошлаши ёки тинчлигимизни бузиши мумкин-ку! "Криминал хабарлар" шу ҳақиқатни англаб етишимга ёрдам берди.

Телевизор орқали кун оша турли жиноятлар тўғрисида хабар берилаётгани ва фуқароларнинг шахсан келиб ёки телефон орқали қонунбузилишлар ҳақида хабар бериши сўралаётгани жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим восита бўлишига ишонаман. Айниқса, жойларда фуқароларни қабул қилиш, ариза-шикоятлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани қонунчиликни мустаҳкамлашда қўл келмоқда. "Бизнинг қашлоқда кейинги пайтда жиноятчилик кескин камайиб кетди", — деб ёзади кўшқуририк Худойназар Фуломов вилоят прокурори номига йўллаган миннатдорчилик мактубида.

Чиндан ҳам кўрсатув қисқа фурсатда аҳоли ўртасида муайян фикр уйғотишга улгурди. У фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олишда қўл кўмакчи бўлмоқда. Айниқса кўрсатувнинг ҳафтасига уч бора, ҳафтанинг жуфт кўшқуририк мунтазам берилаётгани амалиётда кўп йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган ҳуқуқтартибот идоралари билан аҳоли ўртасида қалин ҳамкорлик ўрнатилганга қўл келмоқда.

Ҳа, "Криминал хабарлар" хоразмликларни сергалликка хорлайди. Эндликда кўрсатув ижодкорларини навбатдаги вазифалар кутмоқда. Кўрсатув номидан ҳам маълумки, у асосан инфорацион йўналишда. Келажақда хабарлар шарҳидан ташқари жиноятчилик аҳоли, янги қонунлар лойиҳаси муҳокамаси ва қонунчилик ижроси юзасидан таҳлилларга ҳам кенг ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Б.УЛЛИБОБОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

...Ҳаёт синов майдони, гоҳ шодлик, гоҳ қайғу инсонга ҳамроҳлик қилади. Ҳар иккаласини ҳам кўтарган кўтарди. Орамизда нимадандир озор чеккан қалбига гиёҳвандлик ёки ичкиликбозликни малҳам деб билувчилар ҳам топилиб туради. Живоланмаган истақлар эгасини жиноятга бошлайди.

Жиноятчи нафисга кучи етмаслиги, ўзини бошқара олмаслиги, бир сўз билан айтганда, иродасизлиги оқибатидан пушаймон бўлади. Ҳар бир тузатишга, ҳаётини янгидан бошлашга интилади. Халқимиз уят ўлимдан ёмон, деб бежиз айтмаган, иккинчи жиҳат жамоатчиликда воқеага фаол муносабатнинг шаклланишидир. Айни муносабатда жамоат назоратини йўлга қўйиш билан бирга, ҳар бир шахс ўзига сабоқ олади. Шу каби ноҳус ҳаракатлардан тийилади. Шуларни ҳисобга олиб, вилоят телевидениесига "Криминал хабарлар" кўрсатувини ташкил этдик, — дейди биз билан суҳбатда У.Собиров.

ҲАФТАНИНГ ЖУФТ КУНЛАРИ

тида адашган инсондир. Шундай экан, атрофдагилар оила, маҳалла, ишхона, ўқув муассасаси ва бошқалар уни назорат қилиб бориши, тарбиялаши лозим. Лекин бизнинг бепарволигимиз кимдир жиноят кўчасига етаклайди.

"Криминал хабарлар"нинг ташкил этилиши кўпчилики аنا шу бепарволик касалидан кутқариб, фаол муносабатни шакллантирмоқда. Асосийси, жиноятчиликнинг кескин камайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

— Тарихдан маълумки, илгари замонларда жиноятчиларни эл-юрт олдидан изза қилиш орқали жазолаш усуллари билан кенг фойдаланилган. Бу усул икки жиҳати билан аҳамиятли: биринчиси, билиб-билмай жиноят кўчасига кирган инсон ўзининг жинсий ҳаракатидан бошқалар хабар толгач, албатта руҳий изтиробга тушади. Қилми-

барлар" кўрсатувини ташкил этдик, — дейди биз билан суҳбатда У.Собиров.

Албатта кўрсатувнинг ташкил этилгани халқ кўнглидаги иш бўлди ва у ҳеч кимни бефарқ қолдирмапти. Бошловчи бирор жиноят ҳақида маълумот берар экан, унинг сабабларига тўхталлади. Жиноятнинг содир этилишида қиллоқ фуқаролар йиғини, маҳалла фаоллари, милиция участка нозирининг ҳам айби борлигини таъкидлайди. Айниқса, қўни-қўшинлар, яқин қариндошларнинг бепарволигига эътибор қаратади.

— Яқинда қўшимиз гиёҳвандликда айбланиб қамалди. Олдинига "қамалса, баттар бўлсин" дегандим, бироқ, "Криминал хабарлар"да кўриб уялиб кетдим, — дейди урганчлик Марям Сафарова. — Бошловчининг қўни-қўшинлар қаерга қаради, деган саволи кишини уялтиради. Биз қўшинларимизнинг

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

«ХУҚУҚ» ШАРҲИ

БОЛҚОНДА УРУШ ШАРПАСИ

Биринчи албан-македон урушидан кейин орадан икки ой ҳам ўтмасдан минтақа яна уруш ўчоғига айланиш хавфи остида қолмоқда. Македония ҳудудларининг шимолий-шарқий районларига албан жангарилари яна бостириб киришга муваффақ бўлишди. Жангарилар Кумонова шахри ва унинг атрофидаги манзилларда ўз назоратини ўрнатилганга улгурдилар. Одатдагидек, бу сафар ҳам ҳарбий ҳаракатлар жабри тинч аҳоли тортишга мажбур. Ўз уйларини вақтлик тарк этишга улгуролмаган маҳаллий аҳоли ҳозирда жангарилар назоратидаги ҳудудларда қолиб кетди. Македон ҳукумати қўшинлари жангариларни ушбу аҳоли пунктларидан сиқиб чиқаришга уринмоқда.

Пойтахт Скопьеда бир неча чақирим узоқликда давом этаётган курулли тўқнашувлар минтақада қочоқлар тўқнашини келтириб чиқарди. Македония мудофаа вазирлиги маълумотларида акшанба кунги тўқнашуларда ҳукумат қўшинларидан берилган қурбонлар сони кўрсатилмапти. Маълумотларда "жангариларнинг кўпчилиги ўлдирилганлиги, лекин уларнинг сони аниқ эмас"лиги таъкидланади.



Табиийки, мамлакат ҳудудига қилинган такрорий тажовуз ҳукумат раҳбарларини жиддий ташвишга солмоқда. Македония бош вазир Любчо Гордиевскийнинг таъкидлашича, воқеалар барчаси ҳарбий сценарий асосида амалга оширилмоқда ва бу Косованинг ошқора агрессиясидан дарак беради.

Савол туғилди. Албан жангариларининг Македония ҳудудларига такрор такрор бостириб киришдан мақсади нима? Маълумки, дунёнинг кўпгина минтақаларидаги каби Болкон яриморлидаги миллий давлатлар чегараланишида ҳам муайян чалқашликлар мавжуд. Бунинг турли хил объектив ва субъектив сабаблари бор. Янги тарихни ҳарбий ҳолат жорий этиш керак, Болкон минтақаси кўпчилик ҳолларда "буюк манфатлар"нинг конфликт субъекти бўлиб келган. Коллаверси, мазкур минтақа геосийosat нукта назаридан ҳам стратегик аҳамиятга эга. Албанлар давросига келганда, бунинг Сербиядан буткул ажралиб чиқиш ва Буюк Албания давлатини барпо этиш, бунинг учун эса Македония тарқибдаги албанлар истиқомат қиладиган ҳудудларни ҳам аннекция қилишга бўлган самарасиз уриниш деб баҳолаш мумкин.

Македон ҳукумати мураккаблашиб бораётган вазиятнинг олдини олиш чораси сифатида мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этиш керак, деган фикрда. Бу мамлакатнинг урушга киришуви демакдир. Бу парламент қарорига боғлиқ масала. Нима бўлганда ҳам Македония шундай йўл тутиши аниқ. Македон ҳарбийларининг айни пайтдаги фаолиятини эса партизанлар ҳаракатини бостиришга бўлган уринишларга таққослаш мумкин.

Македон ҳукуматининг бундай нияти гарб сиёсатчиларида норозилик уйғотмоқда. Мамлакат ҳукуматини бу фикрдан қайтаришга уринаётган ЕИнинг ҳарбий масалалар бўйича вакили Хавьер Солананинг фикрича, Македониянинг бу хатти-ҳаракати минтақада этник конфликт бошланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бу нарса ўз-ўзиндан Болқонда яна биродарқушлик урушининг авж олишига сабаб бўлади. Вазиятдан чиққининг ягона йўли тинч музокара олиб боришдан иборат, деб ҳисоблайди гарбнинг нуфузли сиёсатчиси.

Таассуфки, гарбнинг дипломатик таъсири бу сафар ўзини оқламайдиган кўринади. Македония раҳбарлари экстремистлар билан ҳеч қандай муросани тан олмаяпти. Жангарилар билан бўладиган курашда Македония ўз ҳарбий салоҳиятига эътибор қаратганга эмас, кардош Югославия армиясига ҳам суянади. Ҳукумат қўшинлари ва албан жангарилари ўртасида ҳарбий тўқнашулар мамлакатнинг турли районларида содир бўлаётгани жангариларнинг айнан Косовадан суқулиб кираётганлигига шубҳа уйғотади.

Тетовонинг шимолий-гарбий қисмида ҳам жангарилар ҳуружи ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, бу шахарнинг шимолий қисмида полиция постларига қилинган ҳужумлар ҳақида ҳам гапирилмоқда. Аҳвол агар шу тарзда давом этса, Македон армияси мураккаб вазиятда қолади. Чунки асосий эътибор шимолий-шарқда ўрнашиб олган жангариларни сиқиб чиқаришга қаратилган, ҳарбий қучлар ҳам шунга йўналтирилган.

Хавьер Солана ЕИГА аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари билан бўлган Швециядаги учрашувдан кейинроқ, Скопьега ташриф буюрган эди. Айтиб ўтиш керакки, айнан Хавьер Солана бир ярим ойдан бери давом этаётган албан-македон можароларининг олдини олишда катта роль ўйнамоқда. Соланадан кейин НАТО бош котиби Жорж Робертсон Скопьега ташриф буюрди.

БМТнинг қочоқлар масаласи бўйича комиссияси хабар қилишича, сўнгги кунлардаги ҳарбий ҳаракатлар натижаси сифатида минглаб албан қочоқлари Македония ҳудудидан ўз яшаш жойларини ташлаб Албания сари отланишган. Македонияда яшовчи 2 миллион аҳолининг учдан бирини ташкил этувчи албанларнинг эътироф этишича, Македонияда уларга нисбатан иккинчи даражали одамлар сифатида қаралган.

Конституцияга ўзгартириш киритиш ва тенглик тамойилига амал қилиш каби талаблари эътиборсиз қолиб кетаётган Македония албанлари Албанияга хотиржамлик қидириб келмоқдами ёки ҳуқуқ, бу ҳали номаълум.

С.ФОЗИЕВ
тайёрлади

TURKISTON BANK

Хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция «TURKISTON» банки

Бўш пул маблағларингизни куйидаги омонатларга жалб қилишни таклиф қиламиз:

Депозит	3 ойга - 7,5 %
Депозит	6 ойга - 17 %
Депозит	12 ойга - 35 %

9 май — Хотира ва Қадрига кут муносабати билан тархулар хотираеи олдидан бош эътиборингизни муестаклашга йўнда курашга иштирок этишга бундан тўғри оқиниш.

700000, Тошкент ш., Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (3712) 132-09-34.

ФУТБОЛ

Ўзбекистонлик миллионлаб футбол мухлисларининг диққат-эътибори 3-7 май кунлари Иорданияда бўлганлигига шубҳа қилмаймиз. Ушбу мамлакатда ЖЧ — 2002 саралаш турнирининг 7-турухида 2-давра ўйинлари бўлиб ўтди.

ОДАТДА ўйинлар қайси мамлакатда ташкиллаштирилаётган бўлса, шу мамлакат терма жамоаси ўйинларига қизиқиш катта бўлади. Бироқ, кейинги босқичга бериладиган ягона йўлланма учун асосий даъвогарлар ҳисобланган Ўзбекистон—Туркманистон ўйини олдида бироз олдин араб футболчилари қозонган йirik галаба ҳам нурсизланиб қолди. Тошкентда рақиб дарвозасига бор-йўғи битта тўп киритилиши туркманлар билан бўладиган кейинги ўйин йигитларимиз учун гоёт қийин бўлишидан дарак берарди гўё. Қосимов, Ирисметов, Бақоев, Ақопянц, Георгиев киритган голлар эса барча


бир гол урган эди. Иордания—Туркманистон —1:2.

Хакам хуштаги янграши билан дунё оммавий ахборот воситалари футбол бўйича Ўзбекистон терма командаси ЖЧ-2002 саралаш турнирининг 2-босқичига йўлланма олган Осиёнинг 6-жамоаси бўлгани тўғрисида хабар тарқатдилар.

7 май кuni бўладиган охириги тур ўйинлари ҳеч бир команда учун аҳамиятга эга эмас эди. Ҳатто йигитларимизнинг Тошкентдаги кутилмаган дуранг учун араблардан олиши керак бўлган “ўчи” ҳам. Кутилганидек ўзбекистонлик-

ишга, эртанги кунга иштиёқимизни оширгани бор гап. Энди ҳаммамиз биргалишиб 1 июни кутамиз. Шу кuni Бангкокда ЖЧ-2002 саралаш турнирининг 2-босқичига кура ташланади. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача вакилларимиздан ташқари Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони, Баҳрайн Қатар миллий терма командалари кейинги босқичга йўлланма олишган. Унда ўз гуруҳларида голиб чиққан Осиёнинг энг кучли 10 жамоаси ЖЧ-2002 финал қисмига бериладиган 2,5 та йўлланма учун икки гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боради. Голиблар тўғридан-тўғри Корея-Япониядаги мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритса, иккинчи ўрин соҳибларининг юзма-юз учрашуви голиби Европанинг 16-жамоаси билан битта йўлланма учун баҳс-лашади.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ГАЛАБАСИ — МИЛЛАТ ЮТУҒИ



хавотирларни пардек тўзитиб юборди.

4-тур. 3 май. Иордания—Хитой Тайпейи — 6:0, Ўзбекистон—Туркманистон — 5:2.

5 май кuni 5-турда йигитларимиз турнир аутсайдерини ютишига, ютганда ҳам йirik ҳисобда ютишига шубҳа қилмагандик. Ирисметов билан Қосимов 2 тадан тўп киритиб, командамизнинг навбатдаги галабасини тасминлашди. Ўзбекистон—Хитой Тайпейи — 4:0.

Иорданияликлар билан бўладиган ўйиндан олдин туркманистонликлар назарий жиҳатдан ҳам гуруҳда 1-ўринни олиш имкониятини йўқотган эдилар. Ушбу ўйинда қозонила-жақ галабагина арабларнинг пирил-лаб турган умидлари сўймай туришига олиб келар эди. 8-дақиқадаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олган иорданияликлар (тўпни ўша Тошкентдаги ўйинда 35-40 метрлардан туриб Белькунов доғда қолдирган Эсам Абу Тук киритгани) билан-бўлмасга майдонда ётиб олиб, афтарини “оғрик”дан бўлмайтириб, тўпни ўйинга киритишга шошилмай вақтни чўзишни бошлаб юбордилар. Афсуски, футболда 99 фоиз ҳолатда бундай “спектакль” яхшиликка олиб келмайди. Туркманистонлик Тождурод Оғамуродов шогирдлари арабларга галаба учун қандай курашиш кераклигини кўрсатиб қўйишди. Натижанда 85-дақиқада Дурдиев томонидан киритилган голдан сўнг ҳисоб иорданияликлар учун аянчли кўриниш олди. Бунгача Гоголадзе ҳам

		Я К У Н И Й		Ж А Д В А Л			
1	Ўзбекистон	6	4	2	0	20-5	14
2	Туркманистон	6	4	0	2	12-7	12
3	Иордания	6	2	2	2	12-7	8
4	Хит. Тайпейи	6	0	0	6	0-25	0

лар ҳам, туркманистонликлар ҳам майдонга иккинчи таркиб билан тушишди. Эришилган натижадан ҳам мухлислар хафа бўлмасалар керак. Иордания—Ўзбекистон — 1:1, Туркманистон—Хитой Тайпейи — 1:0.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик тез дунёга таъинмайди. Йигитларимизнинг мазкур галабасига ҳам миллиатнинг ютуғи сифатида қарашимиз керак. Бу галаба ҳар бири-мизнинг руҳимизни кўтаргани,

Энг асосий рақибларимиз Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ эканлигини тан олган ҳолда бошқа жамоаларнинг кучига ҳам ҳаққоний баҳо бериш зарур. Ҳаммасини курадан кейин билиб оламиз.

Тўп юмалок, майдон текис. Бутун имкониятни ишга солиб курашиш керак, холос. Худо хоҳласа, мухлисларнинг бу галги ордуси ҳам ушалайи ҳеч гап эмас.

Эслатиб ўтамиз, 2-босқич ўйинлари 15 август кuni бошланади.

Ҳасан НИШОНОВ,
“Хуқуқ” муҳбири

ЖУРНАЛХОН ЭЪТИРОФИ

ФАРМОЙИШ ИЖРОСИ АМАЛДА

ИНСОНИАТ қадим-қадимдан адолатли ҷамият куриш учун интилиб келган. Жумладан, халқимизнинг уч минг йиллик тарихи ҳам адолатли ҷамият тузишга доир ранг-баранг тажрибаларга бой.

Республикаимизда демократия ва инсон ҳуқуқлари гоёларининг қарор топиш жараёни, айниқса, мустақиллик йилларида тезлашди. Бу ҳуқуқатимиз томонидан олиб борилаётган сийсатда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ҳуқуқий демократик ҷамият куришининг асосий ва бирламчи шарти қонун устуворлигига эришишдир. Бу йўналишда биринчи галда ҷамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш вазифаси туради. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантирмасдан туриб, ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириб бўлмайди. Ана шу борада қўллаб ижобий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бир қатор ҳуқуқий нашрлар чоп этилмоқда. Тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилган. Ҳуқуқий журналнинг ичиде ўзининг кенг қамровли мавзулари, ҳозиржавоблиги, қизиқарли ва юқори савияда тайёрланган мақолалар билан кўпчилик эътиборини қозонаётган Республика Прокуратураси муассислигидаги “Қонун ҷимоясида” журнали алоҳида ажралиб туради. Айниқса, ушбу журналнинг март ойидаги нашрида халқимиз учун жуذا зарур бўлган хайрли ишга қўл урилибди. Бунинг учун журналнинг муҳлиси сифатида тахририят ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, эркин фуқаролик ҷамияти куришга истиқлол йиллари астойдил киришилди ва бу ишларнинг бошида ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримов турибди. Янги минг йилликнинг ва янги асрнинг бошида, яъни 2001 йил 4 январда Юртбошимиз томонидан ана шу йўналишда яна бир тарихий фармойиш эълон қилиндики, бу “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” эди. Журналнинг ушбу сони бевосита ана шу фармойишнинг ижросига бағишланган десак ҳам бўлади.

Журнал юқорида номланган фармойиш матни билан бошланади. Конституция ҳақида фикр юритилар экан, аввало, уни яратилиш тарихи ҳам қизиқтиради, кишини. Бу ҳақда журналнинг дастлабки саҳифаларида юридик фанлари докторлари, профессорлар А.Саидов ва У.Тождуродовларнинг “Президент — Конституциянинг ташаббускори, яратувчиси ва қафили” деб номланган мақоласидан батафсил маълумот олиш мумкин.

Журналнинг навбатдаги саҳифаларида Конституцияимизнинг тўлиқ матни рангли тасвирлар билан безатилган ҳолда берилган. Юқорида келтириб ўтган мақолани ўқиганимдан кейин менда Конституцияимизни такрор-такрор ўқиб чиқиш иштиёқи пайдо бўлди. Аниқ ва лўнда иборалар билан берилган матнларни ўқир эканман, бу Конституцияни яратган ва унинг ижроси учун ҳам астойдил жон куйдираётган Юртбошимизга ҳамда бош Қомусимизнинг яратилишига ҳисса қўшган бошқа масъул шахсларга ҳам тасаннолар айтигим келди. Яна бир илдам қадам, муҳим яхшилик, Конституцияимизнинг лотин алифбосида чоп этилган матни берилган. Президентимиз фармойишга ҳозиржавоблик билан ёзган мақоласида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори, профессор Ф.Абдумажидов мактабларимизда таълим ишлари лотин алифбосида юритилаётганини эътиборга олиб Конституцияимиз матнини лотин алифбосида чоп этиш лозимлиги ҳақида тақлиф киритган эди. Бу тақлиф кенг халқ оммасига маъқул тушгани учун тахририят ўта муҳим бу вазифани ўз вақтида амалга оширибди. Бу ҳам таҳсинга лойиқ ишдир.

Кейинги саҳифаларда эса “Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети, вазифаси, манбалари” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш комиссияси томонидан тайёрланган маъруза матни тўлалигича келтирилган. Бу маърузадан ушбу фан, унинг мазмун-моҳияти, давлат органлари ва уларнинг фаолиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Умуман айтганда, журнал билан танишган ўқувчи ўз конституциявий ва ҳуқуқий билимларини ошириши ва бу журналнинг доимий муҳлиси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

М.БОЛЛИЕВА,
Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим бошлиғи

Қутловлар

Муҳтарам Каромат ая!
Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Аллоҳдан сизга узоқ умр, тани-соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга доим омон бўлинг.

Оила аъзоларингиз номидан келиннингиз Шохида

Ҳурматли Асатуллаҳон Назаркулов!
Туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Барча орзуларингиз рўёбга чиқишида тилақдошимиз. Бахтингиз тўқис, умрингиз узоқ бўлсин.

Назаркуловлар оиласи, Ховос тумани

Ҳурматли Дилбар Мирасланова!
Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Аллоҳдан Сизга узоқ-умр, тани-соғлиқ тилаб, шогирдларингизнинг ардоқлини устози бўлиб қолишингизни сўраб

40-ОП жамоаси номидан М. Қосимова

Муҳтарам буважонимиз Гаеҳархон ая!
Сизни муборак 63 ёшингиз билан табриклаймиз. Яратгандан узоқ умр, фарзандларингиз ва невараларингиз бахтига доимо соғаломат юришингизни тилаймиз.

Фарзандларингиз ва набираларингиз номидан Муаззам

ЛАТИФАЛАР

Чанғичи йўқлиб тушиб, оёғини синдириб олди. Бир зумда унинг атрофида одамлар тўпланишди. Улардан бири:
— Хавотирланманг. Биз сизни қўшни қишлоқдаги шифоқорга олиб борамиз. У сизга албатта ёрдам беради.
— Юпанчингиз учун раҳмат, аммо ўша шифоқор меннинг ўзим-да.

Ўқитувчи ўқувчига:
— Билиб қўй, бундан кейин ҳам ёмон ўқиб, хулқингни тўзатмасанг, дадангнинг бошида оқ сочлар пайдо бўлади.
Ўқувчи ҳаяжон билан:
— Тўзатаман, худо ҳаққи тўзатаман.
— ?
— Дадамнинг боши кал.

Эр ғазаб билан хотинига:
— Сен сотиб олган қўйлақ менга тўғри келмади. Ахир у менга икки борабар катта-ку.
— Биламан, фақат сотувчи қиз шундай оғзин кишига турмушга чиққанини билмасин, дегандим холос.

Икки улфат келишиб олишди. Ким эрта тонгда пиво топса, ўша захоти шеригига қўнғироқ қилиб-газета сотиб олдим, дея хабар қилади. Агар вино топса, демек журнал, мабодо ароқ топса китоб сотиб олдим дейди.
Тонг сахарда биринчиси иккинчисига қўнғироқ қилмоқда:
— Ишларингни йиғиштириб, тезда етиб кел. Тоғам қишлоқдан қадимий қўлёзма олиб келди.